



Халқ сўзи

Ўзбекистон -
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: Info@xs.uz

2009 йил 17 январь, № 14 (4677)

Шанба

СОҒЛОМ КЕЛАЖАГИМИЗНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Оқсаройда 16 январь куни Президент Ислам Каримов раислигида Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгашининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди



Мамлакатимиз раҳбари мазкур йиғилишдан мақсад ўтган йил мобайнида Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан амалга оширилган ишларни атрафлича таҳлил этишдан иборат эканини таъкидлади.

Болалар спортини соҳасидаги аниқ мақсадга йўналтирилган ишлар фарзандларимизни спорт билан мунтазам шуғулланишга жалб қилиш имконини бермоқда. Бу эса жисмоний ва маънавий жиҳатдан соғлом авлодни тарбиялашга хизмат қилмоқда.

Ҳар томонлама ҳавасга лойиқ соғлом авлодни тарбиялаш келажагимизни таъминлашнинг муҳим омилidir. Шу боис мамлакатимизда жисмонан ва маънаван соғлом, ҳеч кимдан кам бўлмаган авлодни тар-

биялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 24 октябрдаги "Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида"ги ва 2004 йил 29 августдаги "Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармонлари бу борада муҳим дастуриламал бўлаётди.

— Спорт — соғлом авлод, соғлом келажақ деганидир. Бинобарин, фақат соғлом халқ, соғлом миллатгина буюк ишларга қодир бўлади, — деди Президентимиз.

Ҳомийлик кенгашининг аввалги йиғилишида маҳаллий корхоналарда тайёрланадиган

спорт ускуна ва анжомлари, спорт кийимлари ва жиҳозларининг жаҳон андозалари талабларига тўла мос бўлишига эришиш, уларнинг сифатини баҳолайдиган махсус комиссия тузиш, спорт жиҳозлари ва кийимларининг доимий кўرғазмасини ташкил этиш, болалар спортини мураббийлари, хусусан, хотин-қиз мураббийларни тайёрлаш самарадорлигини ошириш вазифалари белгиланган эди.

Йиғилишда ушбу вазифаларнинг ижроси атрафлича таҳлил қилинди. Мамлакатимизда соғлом турмуш тарзини шакллантириш ва аҳолининг тиббий маданиятини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Оммавий спортни, айниқса, болалар спортини ривожлантириш борасидаги ишлар

янги босқичга кўтарилди. 2003 йили мамлакатимизда 97 спорт иншооти қурилган бўлса, 2008 йили 186 спорт мажмуи бунёд этилди. Шундан 162 таси қишлоқларда қурилди.

Президентимизнинг 2007 йил 12 декабрда қабул қилинган "2008 йилда Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси бюджетини ва болалар спорт объектлари қурилишининг аниқ манзилли дастурини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарорига мувофиқ 2008 йилда қуриб битказилган спорт иншоотлари ва мактаб спорт заллари учун зарур спорт жиҳозлари рўйхати ишлаб чиқилди. Барча спорт иншоотлари зарур спорт анжомлари билан жиҳозланди. Кам таъминланган оила-лар фарзандларига икки миллиард сўмликдан зиёд спорт кийимлари берилди. 2008 йилда қуриб битказилган спорт иншоотларининг 166 тасини мактаб спорт заллари ташкил этади. Улардан фойдаланиш самарадорлиги қандай? Йиғилишда ана шу масалалар атрафлича таҳлил қилинди.

Давлатимиз раҳбари юртимизда ишлаб чиқарилаётган спорт жиҳозларининг сифат кўрсаткичларини баҳолайдиган ягона тизим яратилиши зарурлигига алоҳида эътибор қаратди. Шу нуқтаи назардан 2008 йили спорт жиҳозлари ишлаб чиқарувчи дунёнинг бир қатор етакчи корхоналари билан ҳамкорликда доимий фаолият юритувчи кўрғазма ташкил этилди.

Замонавий корхоналаримизда болалар учун сифатли спорт жиҳозлари ишлаб чиқариш имкониятлари чуқур ўрганилиб, спорт иншоотлари учун тавсия этиладиган энг қулай ва мақбул жиҳозлар каталоги яратилди. Болалар спорт объектларини жиҳозлаш учун зарур 120 хил инвентардан 118 хилини юртимизда тайёрлаш йўлга қўйилди.

— Бу борада қилишимиз зарур бўлган ишлар ҳали кўп, — деди Президентимиз. — Жумладан, спорт анжомлари иш-


лаб чиқариш, мактаб спорт залларини жиҳозлаш нормативларини қайтадан кўриб чиқишимиз лозим. Мамлакатимизда спорт иншоотлари қуриш бўйича катта тажриба тўпланди, бошқача айтганда, яхлит тизим яратилди. Эндиги асосий вазифа ана шу иншоотларни жаҳон андозаларига мос равишда жиҳозлаш ва улардан самарали фойдаланишдан иборатдир.

Мамлакатимизда оммавий, шу жумладан, футбол, бадий гимнастика сингари спорт турлари изчил ривожланмоқда. 2003 йилда болалар секциялари ва клубларда 8 спорт тури билан шуғулланган бўлса, эндиликда замонавий спорт мажмуаларининг жиҳозланиш даражаси спортнинг йигирмадан зиёд тури билан мунтазам шуғулланиш имконини бермоқда.

Мамлакатимизнинг барча ҳудудларидаги замонавий спорт иншоотларида, турли спорт секциялари ҳамда клубларида спорт билан шуғулланаётган ёшларнинг сони тобора ортмоқда. Бу борада Бухоро, Навоий, Самарқанд, Жиззах, Андижон, Тошкент вилоятидаги кўрсаткичлар эътиборга моликдир.

Соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар, болалар спортини ривожлантиришга қаратилган юксак эътибор халқро спорт мусобақаларида баланд кўтарилаётган Ўзбекистон байроғи тимсолида ўз натижаларини намойиш этмоқда.

2008 йил турли спорт анжуманларида, барчамизга гурур ва ифтихор бағишлайдиган ғалабаларга бой йил бўлди. Жумладан, Пекинда бўлиб ўтган XXIX ёзги Олимпиадада ўйинларида спортчиларимиз фаол қатнашиб, кескин курашларда битта олтин, иккита кумуш, учта бронза медални қўлга киритди.



СУД ҚАРОРЛАРИ ИЖРОСИ ТАКОМИЛЛАШАДИ

Парламентдаги муҳбиримиз хабар қилади.

Кеча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси билан Адлия вазирлиги қошидаги Юристар малакасини ошириш маркази ҳамкорлигида ташкил этилган семинар бўлиб ўтди.

Унда суд қарорлари ижросини такомиллаштириш орқали фуқароларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни янада мустақамлаш масаласи муҳокама қилинди.

Маълумки, кейинги йилларда мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, суд қарорларини ижро этишининг самарали тизими яратилган бўлиб, судлар моддий-техник жиҳатдан тўла таъминлаб келинаётди.

Йиғилишда бу вазифалар Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техник жиҳатдан ва молиявий таъминлаш департаменти томонидан бажариб келинаётганлиги алоҳида эътироф этилди. Айни вақтда Суд департаменти ходимларини соҳа билан боғлиқ қонуний кўриштирилган ўзгариш ва қўшимчалар ҳақида ўз вақтида таништириб бориш лозимлиги ва шу орқали суд қарорлари ижросининг самарадорлигини оширишга эришиш мумкинлиги таъкидлаб ўтилди.

Шунингдек, йиғилишда Юристар малакасини ошириш марказида ходимларнинг малакасини ошириш ва судьяликка номзодларни қайта тайёрлаш ишлари изчил йўлга қўйилганлиги ижобий тахриба сифатида қайд этилди.

МУҲИМ МАСАЛА МУҲОКАМАСИ

Шу кунги Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси томонидан ўтказилган йиғилишда қўмита назоратидаги қонуларда назарда тутилган ҳавола нормаларининг ижроси юзасидан амалга оширилган ишлар бўйича Вазирлар Маҳкамаси, тегишли вазирликлар, давлат қўмиталари ва агентликларнинг ҳисоботи тингланди.

Йиғилишда қўмита назоратидаги қонулардан 12 тасидан 150 дан ортиқ ҳавола нормаси мавжудлиги ва мазкур нормаларнинг айримлари ижросини таъминлашда тегишли давлат органлари томонидан суствашликка йўл қўйилганлиги таъкидлаб ўтилди. Шу билан бирга ушбу нормалар ижросини таъминлашга доир фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Тадбир якунида муҳокама қилинган масала юзасидан тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

З. ХУДОЙШУКУРОВ.

ҲУКУМАТЛАРАРО КОМИССИЯ ЙИГИЛИШИ

14 январь куни Москва шаҳрида Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси ўртасида иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ҳукуматлараро комиссиянинг ўн биринчи йиғилиши бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Бош вазирининг биринчи ўринбосари Рустам Азимов ва Россия ҳукумати раҳбари ўринбосари Сергей Иванов раислигида йиғилиш иштирокчилари Ҳукуматлараро комиссия ўзининг йиғилиши қарорлари ижросининг боришини кўриб чиқди.

Йиғилишда, икки томонлама ҳамкорликнинг барча соҳаларда жадаллик билан ривожланиб бораётгани таъкидланди. Хусусан, 2008 йил якунлари бўйича ўзаро савдо алоқалари ҳажми 3,8 миллиард АҚШ долларидан ошган.

Комиссия аъзолари икки томонлама муносабатларнинг шартнома-ҳуқуқий ва меъриий асосларини янада ривожлантириш масалаларини кўриб чиқди. Ёқилги-энергетика мажмуи, саноат, коммуникация ва транспорт, фан ва техника соҳаларидаги ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ва истиқболлари муҳокама этилди.

Иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон-Россия Ҳукуматлараро комиссиясининг навбатдаги ўн иккинчи йиғилишини 2010 йил бошида Тошкент шаҳрида ўтказишга қарор қилинди.

Ҳукуматлараро комиссия йиғилиши якунлари бўйича протокол қабул қилинди.

«Ҳажон» АА.
Москва.

Ишонч ёрлиқлари топширилди

Ўзбекистон Республикасининг Индонезия Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Шавкат Жамолов ушбу мамлакат президенти Суслило Бамбанг Юдхоёнога ишонч ёрлиқларини топширди.

Бўлиб ўтган мулоқот чоғида Ўзбекистон Республикаси ва Индонезия Республикаси ўртасида сиёсий, савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар соҳалардаги икки томонлама муносабатларнинг бугунги ҳолати ва истиқболлари муҳокама этилди.

Индонезия Республикаси Президенти Суслило Бамбанг Юдхоёно Ўзбекистон Республикаси билан Индонезия Республикаси ўртасида ўзаро манфаатли йўналишлардаги ҳамкорликни янада ривожлантириш ва кенгайтиришга қизиқиш билдирди.

«Ҳажон» АА.

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

Фаргона шаҳрида Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятлари ҳокимларининг ўринбосарлари, маънавий-маърифий ишлар бўйича ёрдамчилари, туман ва шаҳар ҳокимлари иштирокida минтақавий семинар бошланди.

Минтақавий семинар бошланди

Мамлакатимизда демократик-ҳуқуқий жамият барпо этиш йўлида кенг қамровли ислохотлар амалга оширилмоқда. Бу борадаги ишлар самарадорлигини янада юксалтиришда маҳаллий ҳокимият органлари вакиллари муҳим ўрин тутди. Аънавий тарзда ўтказиб келинаётган мазкур минтақавий семинар машғулотлари раҳбарларнинг

(Давоми 2-бетда).

Мамлакат бўйлаб

Уяли телефон — энг қулай восита

Радиочастоталар бўйича Давлат комиссияси маълумотларига биноан, 2009 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, Ўзбекистонда уяли алоқа абонентлари сони 12,65 млн.дан ошди.

Айтиш жоизки, 2005 йилнинг ноябрда мамлакатимизда бир миллионинчи уяли алоқа абоненти қайд этилган эди. 2007 йил бошида улар сони 2,7 млн.га етди. 2007 йил давомида бу кўрсаткич 5,9 млн.ни ташкил этди. 2008 йил декабрида эса 12 млн. га етди.

Хозирги кунда юртимизда бешта компания уяли алоқа бозорига хизмат кўрсатади. Улар «Уздуробита» («МТС Ўзбекистон» савдо белгиси, GSM стандарти), «Unitel» МҶК («Билайн» савдо белгиси, GSM стандарти), «Coscom» МҶК («UCell» савдо белгиси, GSM стандарти), «Rubicon Wireless Communication» КК («Perfectum Mobile» савдо белгиси, CDMA стандарти) ва «Ўзбектелеком» АК филиали «Ўзбектелеком Мобайл» («UzMobile» савдо белгиси, CDMA стандарти) компанияларидир.

Омонулла ФАЙЗИЕВ.

Мамлакатимизда Ватан ҳимоячилари кўнига бағишланган байрам тадбирлари давом этмоқда. «Миллий армиямиз — мустақиллигимиз таяничи» деб номланган шундай тадбирлардан бири пойтахтимиздаги офицерлар уйда бўлиб ўтди.

Айём шукуҳи

У Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Республика халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий-услубий маркази ҳамкорлигида ташкил этилди. Тадбирда қисм шахсий таркиби ва уларнинг онла аъзолари, қатор давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этишди. Таъкидланганидек, Юртбошимиз томонидан профессионал асосдаги миллий армиянинг шакллантирилиши мамлакатимиз хавфсизлиги, ҳудудий

яқлиги ва сарҳадларимиз дахлсизлиги, бугунги тинч ва осойишта ҳаётимизнинг ишончли ҳимоя қилинишида муҳим асос бўлаётди. Шундай осуда қулларнинг қадрига етиш, уни асраб-авайлаш барчаннинг муқаддас бурчидир.

Байрамона кайфиятда ўтган тадбирга санъаткорлар томонидан ижро этилган куй ва кўшиқлар файз киритди.

Заббо АБДУЛЛАЕВА.

ТАДБИРКОРЛАР ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНМОҚДА

2006-2008 йиллар мобайнида мамлакатимизда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги қошидаги Бандлик жамғармаси, «Микрокредитбанк» ва бошқа тижорат банклари томонидан тадбиркорларга инфратузилмани ривожлантириш учун

30 миллиард сўмлик имтиёзли кредитлар ажратилди.

Республикамизда тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш механизми яқин йўлга қўйилгани, хусусан, Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш дастурининг бажарилиши уларни шунча микдордаги кредит билан таъминлаш имконини берди.

СОҒЛОМ КЕЛАЖАГИМИЗНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Футбол бўйича Ўзбекистон ёшлар терма жамоасининг Осиё чемпионати мусобақаларида муносиб иштирок этиб, 2009 йили Мисрда бўлиб ўтадиган жаҳон чемпионатида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритгани алоҳида эътирофга лойиқдир.

2008 йилда ўтган халқаро мусобақаларда муваффақиятли иштирок этган 423 нафар ёш спортчимиз 17 та оltин, 15 та кумуш ва 15 та бронза медални қўлга киритди.

Тахлиллар ва эришилган натижалар шуни кўрсатадики, ёшларимиз орасида футбол, мини-футбол, стол тенниси, сузиш, байдарка ва канозда эшак эшиш, академик эшак эшиш, шахмат, бадий гимнас-

тика, кураш, белбоғли кураш, юнон-рум кураши, бокс, акробатика сингари спорт турларига қизиқиш тобора ортмоқда.

Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан 2008 йилда ўтказилган спорт тадбирларида қарийб бир миллион нафарга яқин ўғил-қиз катнашди. "Ёшлар йили" Давлат дастурига мувофиқ ўтказилган "Соғлом оила" спорт мусобақаларида минглаб оилалар фаол иштирок этди.

Президентимиз қизларни спортга жалб этиш масаласи алоҳида ёндашувни талаб этаётгани таъкидлади. Шу маънода кейинги йилларда спортнинг нафис тури ҳисобланган бадий гимнастика ва спорт гимнастикаси жадал ривожланмоқда.

Юртбошимиз болалар спортини ривожлантириш, қизларнинг спорт билан шугулланиши учун айниқса, қишлоқларда тегишли шарт-шароит яратиш масаласи алоҳида эътибор қаратишни тақозо этишини таъкидлади.

— Келажақ авлоднинг соғлом бўлиши аввало аёлга боғлиқ, Соғлом она — соғлом бола, соғлом бола — соғлом келажақ, — деди Ислам Каримов. — Ҳеч кимдан кам бўлмайдиган авлодни вояга етказиш асосий вазифаларимиздандир.

Президентимиз жойлардаги мутасадди раҳбарлар мактабларда спортни ривожлантириш билан боғлиқ масалаларни самарали ҳал этиш давлат аҳамиятига молик масала эканини янада тегнароқ англамоғи лозимлигини қайд этди.

Халқимизнинг бой тарихида меъморлик анъаналари алоҳида ўрин тутаяди. Биз дунёга маъна ва машҳур Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива, Марғилон ва Қўқон каби қадимий ва навқирон шаҳарларимиз билан ҳақиқий равишда гуруланишимизнинг боиси шунда.

ЭЗГУЛИК ЙЎЛИДА

Айниқса, мустақиллик йилларида ана шу нобб меросга муносиб бўлиш, аждодларимизнинг бунёдкорлик анъаналарини изчил давлат этириш, яқин ўтмишда эътибор суяиб, деярли бир туста кириб қолган шаҳар ва қишлоқларимиз қиёфасини тубдан ўзгартириш ишига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Натижада энг замонавий, айни пайтда миллий анъаналарга асосланган, юртимизга хос янги намуналарни кўрсатган, муҳташам ва гўзал бинолар, истироҳат маканлари, гузар ва майдонлар, равион йўллар, кўприклар бунёд этилди. Бу борада Хўрасон вилоятларида амалга оширилган ишлар хусусан, 2008 йилда капитал қурилиш соҳасида амалга оширилган ишлар ҳақида тўхталиб ўтсак, Урганч шаҳри ва Хива туманида биттадан академик лицей, Урганч шаҳри, Қўшқўприқ, Богот, Урганч, Хива, Шовот, Янгиарик, Янгибозор туманларида 11 та кааб-хўнар коллежи ҳамда Богот туманида 330 ўринли янги мактаб биноси қурилиб, фойдаланишга топширилди. 31 та умумтаълим мактаби капитал реконструкция қилиниб, 45 та мактабда капитал таъмирлаш ишлари ниҳоятга етказилди.

биз, қурувчиларни янада кўпроқ хайрли юмушларни рўйбга чиқаришга руҳлантирмоқда.

Шу билан бирга, ўтган йили Урганч туманидаги Кардиология маркази реконструкция қилиниб, қўшимча бинолар қурилди, шифохона кенгайтирилди. Хива, Хонқа, Ҳазорасп туманларида биттадан қишлоқ врачлик пункти фойдаланишга топширилди. Урганч шаҳрида 32 та хонадонли 2 та, Ҳазорасп туманида 32 та хонадонли 1 та кўп қаватли уй-жой бунёд этилди. Бундан ташқари, жойларда 430 минг квадрат метрлик янги мактаб биноси қурилиб, фойдаланишга топширилди. Бу борада Хўрасон вилоятларида амалга оширилган ишлар хусусан, 2008 йилда капитал қурилиш соҳасида амалга оширилган ишлар ҳақида тўхталиб ўтсак, Урганч шаҳри ва Хива туманида биттадан академик лицей, Урганч шаҳри, Қўшқўприқ, Богот, Урганч, Хива, Шовот, Янгиарик, Янгибозор туманларида 11 та кааб-хўнар коллежи ҳамда Богот туманида 330 ўринли янги мактаб биноси қурилиб, фойдаланишга топширилди. 31 та умумтаълим мактаби капитал реконструкция қилиниб, 45 та мактабда капитал таъмирлаш ишлари ниҳоятга етказилди.

Бундан ташқари, болалар спортини ривожлантириш мақсадида Янгибозор туманидаги 11-мактаб қошида спорт маъмуаси бунёд этилди, 15 та мактабда қўшимча спорт заллари қуриб битказилди.

— Бундай бунёдкорлик ишларида бевосита иштирок этиб келаётганимдан фахрланаман, — деди қурилиш устаси Олларберг Отажонов. — Эсимда, биз пахса девордан тикланган, пахтакам, зах ва совуқ мактаб биносига ўқинганимиз. Спорт зали, компьютер хонаси ҳатто тушимизга ҳам кирмаган. Шунки, биз кўрмаган кўнларни болаларимиз кўрапти. Улар муҳташам коллеж ва мактабларда сабоқ олмоқдалар. Бу

Бундан ташқари, болалар спортини ривожлантириш мақсадида Янгибозор туманидаги 11-мактаб қошида спорт маъмуаси бунёд этилди, 15 та мактабда қўшимча спорт заллари қуриб битказилди.

— Бундай бунёдкорлик ишларида бевосита иштирок этиб келаётганимдан фахрланаман, — деди қурилиш устаси Олларберг Отажонов. — Эсимда, биз пахса девордан тикланган, пахтакам, зах ва совуқ мактаб биносига ўқинганимиз. Спорт зали, компьютер хонаси ҳатто тушимизга ҳам кирмаган. Шунки, биз кўрмаган кўнларни болаларимиз кўрапти. Улар муҳташам коллеж ва мактабларда сабоқ олмоқдалар. Бу

Ойбек РАҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ ҲАМИША ЭЪЗОЗДА

Президентимиз Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Қуролли Кучларининг 17 йиллик байрамини бағишлаганига муносабат билан таъкидланганидек, Қуролли Кучларимиз сафида Ватан манфаатларига чин дилдан садоқатли, муқаддас заминимиздаги тинч ва осуда ҳаётни қўз қорачиқидек асраб келаётган энг муносиб йигит-қизлар хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008-2012 йиллар даврида сўғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш давлат дастури тўғрисидаги Қарорида белгилаб берилган вазифалар вилоятда мелиорация ишларини тубдан яхшилашда муҳим омил бўлди. Дастурга мувофиқ, яқунланган йилда 37 та мелиоратив объектда таъмирлаш-тиклаш ишлари амалга оширилди. Хусусан, туманлараро "Сичанкўл" зовурининг 6 километрни реконструкция қилиш учун 2450 миллион сўмлик, хўжалиқлараро "К-10" зовурининг 13,3 километрни таъмирлаш учун 85,2 миллион сўмлик, Қарши бош каналнинг Туркменистон давлати ҳудуди-

дан ўтувчи ПК-310 қисмида докер куриш учун 560,59 миллион сўмлик иш бажарилди. Бундан ташқари, Фўзор туманидаги "Киллосой", Қарши туманидаги "Б-К-3-2", Қосон туманидаги "Дарча-Пўлати", Миришкор туманидаги "ЮК", "К-3", "УК-1", Муборак туманидаги "Фаллачи", Нишон туманидаги "ЮКЛ-3", Касби туманидаги "БК", Китоб туманида-

лиорация ишларининг қўламини кенг. Бунинг учун катта куч, кўплаб техника воситалари керак. Шунинг учун Аму-Қашқадарё ирригация тизими ҳавза бошқармаси ҳузурда 4 та давлат унитар корхонаси тузи-

лиорация ишларининг қўламини кенг. Бунинг учун катта куч, кўплаб техника воситалари керак. Шунинг учун Аму-Қашқадарё ирригация тизими ҳавза бошқармаси ҳузурда 4 та давлат унитар корхонаси тузи-

лиорация ишларининг қўламини кенг. Бунинг учун катта куч, кўплаб техника воситалари керак. Шунинг учун Аму-Қашқадарё ирригация тизими ҳавза бошқармаси ҳузурда 4 та давлат унитар корхонаси тузи-

лиорация ишларининг қўламини кенг. Бунинг учун катта куч, кўплаб техника воситалари керак. Шунинг учун Аму-Қашқадарё ирригация тизими ҳавза бошқармаси ҳузурда 4 та давлат унитар корхонаси тузи-

лиорация ишларининг қўламини кенг. Бунинг учун катта куч, кўплаб техника воситалари керак. Шунинг учун Аму-Қашқадарё ирригация тизими ҳавза бошқармаси ҳузурда 4 та давлат унитар корхонаси тузи-

лиорация ишларининг қўламини кенг. Бунинг учун катта куч, кўплаб техника воситалари керак. Шунинг учун Аму-Қашқадарё ирригация тизими ҳавза бошқармаси ҳузурда 4 та давлат унитар корхонаси тузи-

лиорация ишларининг қўламини кенг. Бунинг учун катта куч, кўплаб техника воситалари керак. Шунинг учун Аму-Қашқадарё ирригация тизими ҳавза бошқармаси ҳузурда 4 та давлат унитар корхонаси тузи-

МИНТАҚАВИЙ СЕМИНАР БОШЛАНДИ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

иктисодий, ижтимоий-сиёсий ва бошқа соҳалардаги билимини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Семинарнинг дастлабки кунинда Президент Ислам Каримовнинг "Юскак маънавият — энгилмас куч" асарини, шунингдек, давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 16 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишдаги

маърузасида белгилаб берилган устувор вазифалар ҳақида сўз борди.


Бугунги кунда ҳар бир раҳбар эл-юрт ташвиши билан яшаши, рўй бераётган барча воқеа-ҳодисаларнинг моҳиятини чуқур англаши ва уларга мустақил ёндаша билиши, адолат тамойиллари асосида иш юритиши, Ватан, халқ олдидаги масъулиятини тегнароқ ҳис этиши ва зиммасига оқулатилган вазифаларни виждонан бажари-

ши даркор. Бу эса, ўз навбатида, улардан пухта билим ва салоҳият талаб этади. Семинар давомида турли вазирлик ва идораларнинг раҳбарлари, профессор-ўқитувчилар ўз маърузалари билан иштирок этади. Барча соҳаларда олиб борилаётган ислохотларнинг мазмун-моҳияти, ўз ечимини қутаётган масалалар атрофида муҳокама этилади.

М. СУЛАЙМОНОВ, ЎЗА мухбири.

Мамлакатимизда мустақиллигимизнинг дастлабки йиллариданоқ ёш авлод тарбиясига алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Уларнинг маъна ва жисмонан баркамол бўлиб вояга етиши, ёшликдан бирор касб-хўнарининг эгаси бўлиши учун нафақат туман марказларида, балки чекка қишлоқларда ҳам муҳташам касб-хўнар коллежлари бунёд этиляпти.

ҚУРУВЧИЛАР АҲДИ ҚАТЪИЙ



Яқинда Китоб туманининг Бештерак қишлоғида 615 ўринга мўлжалланган уй-жой, коммунал касб-хўнар коллежи қурилиши бошланди. Уни тумандаги 225-хўжалиқлараро механизациялашган кўча жамланма жамоаси барпо этапти. Биноқорлар уни қишлоқ ёшларини ўқув йилларида соғла қилиш ниятида ишни жадал суръатда олиб бормоқдалар.

СУРАТДА: 225-хўжалиқлараро механизациялашган кўча жамланма раҳбари Абдураҳмон Қурбонов, Бурхон Эшонқуллов ва Элмурод Эшназаров.

Шомурод ШАРОПОВ (ЎЗА) олган суратлар.

Қишлоқ хўжалиқ экинларининг ҳосилдорлиги ерларнинг мелиоратив ҳолатига боғлиқлиги ҳеч кимга сир эмас. Қаерда ер ости сувлари кўтарилмаган, тупроқ шўрланмаган бўлса, уша жойда ҳосил мўл, дехқоннинг даромади кўп бўлади. Шунинг учун вилоятимиз ҳудудидаги барча экин майдонларининг мелиоратив ҳолати мунтазам назорат қилиб бориляпти. Ҳозирги маълумотларга кўра, мавжуд 505770 гектар сўғориладиган майдоннинг 51 фоизи ёки 259540 гектариди мелиоратив ҳолат яхшилانган бўлса-да, 30600 гектар ерда сизот сувларининг сатҳи кўтарилиб, шўрланган.

Мелиорация: ИШ ҚЎЛАМИ КЕНГАЙМОҚДА

дан ўтувчи ПК-310 қисмида докер куриш учун 560,59 миллион сўмлик иш бажарилди. Бундан ташқари, Фўзор туманидаги "Киллосой", Қарши туманидаги "Б-К-3-2", Қосон туманидаги "Дарча-Пўлати", Миришкор туманидаги "ЮК", "К-3", "УК-1", Муборак туманидаги "Фаллачи", Нишон туманидаги "ЮКЛ-3", Касби туманидаги "БК", Китоб туманида-

лиорация ишларининг қўламини кенг. Бунинг учун катта куч, кўплаб техника воситалари керак. Шунинг учун Аму-Қашқадарё ирригация тизими ҳавза бошқармаси ҳузурда 4 та давлат унитар корхонаси тузи-

лиорация ишларининг қўламини кенг. Бунинг учун катта куч, кўплаб техника воситалари керак. Шунинг учун Аму-Қашқадарё ирригация тизими ҳавза бошқармаси ҳузурда 4 та давлат унитар корхонаси тузи-

Мамлакатда бозор муносабатлари кенг қамровда олиб борилмоқда. Иқтисодий ислохотлар тобора чуқурлашмоқда, иқтисодий муносабатларни янада эркинлаштириш, аҳолига қулай инвестиция ва тадбиркорлик муҳитини яратиш бўйича қатор қонунлар ва меъёрий ҳужжатлар қабул қилинмоқда. Улар, энг аввало, мамлакатимизда макроиктисодий барқарорлиқни таъминлаш, иқтисодий таркибий қайта қуриш ва унинг жадал ўсишига шароит яратиш, экспортни кенгайтиришни рағбатлантириш, кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш баробарида иш ҳақи ва даромадларни ошириш ҳамда аҳолининг турмуш фаровонлигини юксалтиришни таъминлашга қаратилган.

БАНКДАГИ ОМОНАТ

аҳоли маблағи сақланишини кафолатлайди ва даромад келтиради

Айнан шу мақсадда Юртбошимизнинг фармонлари ва қарорлари эълон қилинмоқда. Янги қонунлар қабул қилиниб, амалдаги қонунларимизга замон талабига ҳамоҳанг ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмоқда. Шу ўринда фуқароларимизнинг даромад олиш имкониятларини кенгайтириш мақсадида ҳамда уларни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга қаратилган "Микроолиялаш тўғрисида"ги, "Микрокредит ташкилотлари тўғрисида"ги қонунларнинг қабул қилиниши ва микрокредитлар беришга ихтисослашган "Микрокредитбанк"нинг ташкил қилинишини таъкидлаб ўтишни истардик. Бу банк фаолиятининг давлат томонидан қўллаб-қувватланиб, аҳолига имтиёзли микроолиявий хизматлар кўрсатиш тизимининг йўлга қўйилганлиги ҳам иқтисодий ислохотларни жадаллаштириш, фуқароларимизнинг ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиши ва уларнинг даромадларини оширишга қаратилган. Шунингдек, Солиқ кодексига кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектлари фаолияти, ёш оилаларига истеъмол ипотека кредитлари беришда имтиёзлар белгилашни ҳам қатъи аҳамиятга эга.

Аҳоли даромадларининг муттасили ошаётганилиги уларнинг жамғармалари ва банклардаги омонатлари саломатини барқарор ўсиб боришига ҳам имкон яратмоқда. Аслида аҳоли жамғармалари мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришнинг ички инвестиция ва арзон манбаи ҳисобланади. Жаҳонда бугунги кунда энг ривожланган деб саналувчи давлатлар ҳам ўз иқтисодиётини юксалтиришда ана шу манбадан кенг фойдаланганлар.

Шунинг алоҳида таъкидлаш кераки, бугунги кунда мамлакатда ЯИМ ҳажмининг ошиб бориши аҳоли даромадларининг ва албатта, шу орқали аҳоли жамғармалари ва аҳолининг тижорат банкларидagi омонатлари қолдигининг йилдан йилга ўсиб боришига имконият яратмоқда. Агар 2004 йилда аҳолининг банклардаги омонатлари қолдиги 323 млрд. сўмга етган бўлса, бу кўрсаткич 2005 йилда 450 млрд. сўмни, 2007 йилда 995 млрд. сўмни ташкил қилди.

Парламент ҳаёти

сидаги муносабатларни тартибга солиши белгиланди. Ушбу Қонуни амалга ошириш учун Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди тузилди. Кейинги йилларда Президентимизнинг ўсиб бораётган аҳоли жамғармаларини банкларда кафолатли сақлаш тизимининг замонавий усулларини жорий қилиш, уларнинг маблағларини банк омонатларига қабул қилиб олиш ва мижозларнинг биринчи талабига биноан маблағларини қайтариб бериш тизимини янада такомиллаштиришни кўзда тутувчи қатор Фармонлари ва Қарорлари эълон қилинди. Жумладан, Президентимизнинг 2007 йил 7 июлда эълон қилинган "Банк тизимини янада ривожлантириш ва бўш пул маблағларини банк айланишига жалб этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарориди аҳолига ипотека ва истеъмол кредитлари беришнинг кенг таъминлаш мақсадида тижорат банкларини капиталлашув жараёнини тезлаштириш, нақд пулларни банк айланишига жалб қилишга эътибор қаратилди.

Дарҳақиқат, аҳолининг банк тизимига бўлган ишончи мустаҳкамланмаётди. Бунга кўплаб омиллар сабаб бўлмоқда. Жумладан, Президентимизнинг "Тижорат банклариди аҳоли омонатлари шартларини либераллаштириш ҳамда кафолатларини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" (2008 йил 20 феврал)ги Фар-

моннинг қўллаб-қувватлаш баробарида иш ҳақи ва даромадларни ошириш ҳамда аҳолининг турмуш фаровонлигини юксалтиришни таъминлашга қаратилган.

Бу ўзгартиш фуқароларнинг омонатларини жаҳон молиявий инқирозининг эҳтимолй салбий оқибатларидан ҳимоялаш кафолатларини таъминлайди, аҳолининг банк тизимига бўлган ишончини мустаҳкамлашга ҳамда банкларга аҳоли жамғармаларини кўпроқ жалб қилишга ҳуқуқий асос яратяди.

Шарбат АБДУЛЛАЕВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

Қарор ва ижро

бу чора-тадбирлар туфайли ҳайдаладиган ерларнинг мелиоратив ҳолати тобора яхшиланиб борапти. Буни сизот сувларининг таркибидаги тузнинг миқдори ҳам яққол кўрсатиб турибди. Ҳозир вилоят дала-ларига сўғориш учун олинаётган сувнинг 1 литрида тузнинг зичлиги 1,35 грамм бўлса, зовурлар орқали чиқиб кетаётган сувда бу кўрсаткич 4,63 граммни ташкил этамоқда. Демак, ернинг шўрланishi даражаси кескин камаймоқда.

Халқимизда "Ер дехқонни боқади, дехқон ҳаммани" деган нақл бор. Бу нақлнинг нақадар тўғри эканлигини биз ҳар қадамда кўриб турибмиз. Дарҳақиқат, ерни эъзолашган ҳеч қачон кам бўлмайди.

Илҳом ҚУРБОНОВ, Қашқадарё гидрогеология-мелиорация экспедицияси бошлиғи.

ЖАҲОН 24 соат ичида

Қушлар галасига тўқнашиб кетди

АҚШнинг Шарлот шаҳридаги «Ла Гуардия» аэропортидан парвозни амалга оширган «А320» русумли ҳаво лайнери қушлар галасига тўқнашиб кетди, Нью-Йорк шаҳридаги Гудзон дарёсига қулаб тушди, дейилади «AP» ахборот агентлиги хабарида.



Самолёт ҳалокатга йўлиққан вақтда унинг бортида 155 киши бўлган. Бахтсиз воқеа туфайли улардан 78 нафари жароҳатлангани айтилмоқда. «Fox 5» телеканалнинг келтиришича, йўловчиларнинг аксарияти дарё сувининг совуқлигидан озор чекканлар.

Ҳукумат ихтиёрига ўтади

Ирландия ҳукумати мамлакатдаги йирик молия муассасаларидан бири — «Anglo Irish Bank»ни давлат тасарруфига ўтказишга қарор қилди.

Ҳукумат миқозларнинг банкка бўлган ишончини йўқотмаслик ва иш жойларини сақлаб қолиш мақсадида зарур бўлган маблағни ажратишга тайёр эканини билдирган.



«BBC News» хабарида келтирилишича, «Anglo Irish Bank» мамлакатдаги қурилиш компанияларини кредитлашга мўлжалланган бўлиб, кўчмас мулк бозорига юз берган бекардорлик оқибатида муаммоларга дуч келган. Утган йилда унинг акциялари нархи 95 фоизгача тушиб кетган.

Қўл телефонларига мўлжалланган

«Sharp» компанияси қўл телефонларига мўлжалланган 12 мегапикселли камера яратди.



лан «Sony Ericsson» ва «Samsung» компанияларининг уяли телефон аппаратлари жиҳозланиши мумкин экан. «Sharp» ана шу турдаги камералардан ойига 300 минг дона ишлаб чиқаришни мўлжалламоқда. Унинг нархи ҳақида эса ҳозирча ҳеч гап йўқ.

Таъкидлаш жоизки, шу вақтгача бирорта қўл телефони 12 мегапикселли камера ўрнатилмаган.

Мавжуд меъёрлар бузилмоқда

Туркиянинг Истанбул шаҳрида биноларнинг 85 фоизи ноқонуний қурилган, иморатларнинг 65 фоизини бунёд этишда эса факулдада ҳолатларга чидамлик даражаси инобатга олинмаган экан.



Маҳаллий «Хуррият» нашрининг ёзишича, гарчи бугунги кунда мамлакатда 14 та шаҳарсозлик институти фаолият кўрсатаётган бўлса-да, амалга оширилаётган аксарият қурилиш ишларида мавжуд меъёрларни бузиш ҳолатлари учрамоқда. Олиб борилган текширишларга кўра, Изири шаҳрида 65 фоиз, Анкарада эса 45 фоиз худди шундай қонунбузарликлар аниқланган. Бундан ташқари, Истанбул шаҳридаги қўлаб тураржой бинолари юқори балли ер силкинишларига дош бера олмаслиги маълум бўлган.

Тўхтовсиз қулаётган қиз



Хитойлик руҳшунослар 12 йилдан бери тўхтовсиз қулаётган қизнинг миясини текшириб кўришмоқчи.

Сюй Пинхуэй исмли бу қизалоқ саккиз ойлигида иситилмаб қолган ва ана шу пайтдан қулиши бошлаган. Икки ёшлигида эса гапириш қобилиятини йўқотган. Шундай бўлса-да, у ҳозиргача қулишда давом этмоқда.

Бахриддин САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

МАҲАЛЛАМИЗ КЎРКАМЛАШМОҚДА

Бирор бир тўю томошага ёки маросимга бориб қолсангиз, сизни билганлар «Маҳаллада нима гап?» деб сўраши, билмаганлар қайси маҳалладанлигингиз билан қизиқиши, табиий. Сабаби «Маҳалла ҳам ота, ҳам она» бўлиши билан бир қаторда муборак ва табаррук оила ҳамдир. Мана шу оила аъзоларининг ўзаро меҳр-мурувват, аҳиллик ва тотувликда турмуш кечириши, ҳаста ва кам таъминланган кишилар ҳолидан хабардорлиги, етимларга меҳр-мурувват кўрсатиши, ҳашарларда биргалишиб иш юритиши маҳалла обрўсини, нуфузини, унинг ўзини ўзи бошқарув қонун-қоидаларини белгилаб беради.

Бинобарин, Юртбошимизнинг «Юксак маънавият — енгилмас куч» китобида таъкидлангани, «Халқимизга хос ўзини ўзи бошқариш тизимининг бу ноёб усули қадим-қадимдан одамларнинг нафақат тилида, балки дилида, бутун ҳаётида чуқур из эгаллагани бежиз эмас.»

Шу маънода яшаш манзилимиз мамлакатимизнинг обод гўшаси, эзгу ҳамда хайрли ишлар осёни бўлиши учун ҳаммамиз қўлни-қўлга бериб ҳамжихатликда ҳаракат қилмоқдамиз. Худудимизда 17 миллат вакиллари, 648 оила, жами 2500 дан ортик аҳоли истиқомат қилади. Тўғрисини айтиш кераки, қадрон маконимизнинг номи Соҳибқирон Амир Темури бобоимизнинг маънавий устозлари Мир Саид Барака номи билан аталади. Оқсоқоллар кенгаши аъзолари ва фоллар ҳар йили келгусида қилинадиган маънавий-маърифий тадбирларни ташкиллаштириш, тўй маъракаларни кўнгилли ўтказиш, ободончилик юмушлари, эҳтиёжманд оилаларга ёрдам кўрсатиш, ҳашарлар уюштириш, худудимизда жойлашган мактаблар, лицейу коллежлар ўқувчилари


ри билан диллашиш ва бошқа ишларни муҳокама қилиб, пишиқ-пукта режалаштирадидлар. Маҳалламиз қошида ташкил этилган «Ота-оналар университети» иш тутумида ҳам ёшларимиз ахлоки, заковати, дунёқарашига жиддий эътибор берилмоқда. Таъкидлаганимдек, худудимизда турли миллат вакиллари яшашида. Шу боис, умуминсоний қадриятлар, бағрикенглик, дўстлик ва қардошлик туғилурини янада мустаҳкамлаш доимо диққатимиз марказида туради. Ўзбекона урф-одатлар, рус, украин, татар ва бошқа миллатларга хос аънаналарни унутмаган ҳолда турли-туман тadbирлар ўтказамиз. Эзгуликка, яхшиликка хизмат қиладиган аънаналарни қўллаб-қувватлаймиз. Доимий равишда «Энг ораста хонадон», «Энг аҳил қайнона ва келин», «Маҳалланинг фаол аёли», «Маҳалланинг ибратли йигит-қизи» сингари танловлар, кўрикларни ташкил этиб келаямиз. Айтганча, маҳалламизда ёшлар бадий ҳаваскорлик тўғраги, турли спорт тўғрақлари фаолият юри-

тади. Истиқлол йилларида худудимизда Хотира майдони, 2 та академик лицей, санъат коллежи, санъат саройи, бахт ўйи билан бир қаторда 4 та маиший муассаса, автосалон, 2 та хусусий меҳмонхона, 12 та дўкон, 2 та дорихона бунёд этилди.

Кўриниб турибдики, маҳалламиз йилдан-йилга кўркамлашиб, обод бўлиб бораётти. Бу шубҳасиз, Истиқлолимиз шарофати, Юртбошимиз раҳнамолиги, халқларварлиги ва меҳру муҳаббат туғайлидир. Албатта, биз ҳам ҳаракатда баракат деган ақидага амал қилиб, зиммамизга юклатилган вазифаларни бекаму кўст ба-

Президентимиз томонидан 2009 йилнинг «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» деб эълон қилиниши мамлакатимиз ҳаётида ўчмас из қолдиришига ишончим комил. Биз маҳалла оқсоқоллари йилбошидан оқ куч-ғайратимизни, билимимизни, ақлу шууримизни халқимиз хизматига аввалгидан-да кўпроқ сафарбар этишимиз зарур. Зеро, халқимизнинг мартабасини кўтариш, фаровонлигини юксалтириш, энг муҳими, бугунгидан-да гўзал ва бахтли жамиятни барпо этишда камарбаста бўлиш бизнинг бурчимиздир.

Суннат КУБАЕВ, Самарқанд шаҳридаги Мир Саид Барака маҳалласи раиси, «Меҳнат шухрати» ордени соҳиби.



жаришга ҳаракат қилмоқдамиз. Хусусан, ўтган йили коммунал тўловларга ижтимоий муҳофазага муҳтож кишилар учун ўз ҳисоб рақамимиздан 8 миллион 569 минг сўм ўтказиб бердик. Кам таъминланган оилаларга эса 4 миллион 663 сўм миқдорда турли кўришдаги моддий ёрдам кўрсатдик. Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин.

Интилиш

Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилининг дастлабки кунларида ноқ Фаргона вилоятидаги қатор фермерларда янги техника воситалари пайдо бўлди. Булар фермерларнинг лизинг йўли билан харид қилган қишлоқ хўжалиги машиналаридир.

Лизинг ёрдамга келди

«Ўзқишлоқхўжаликмашизинг» акциядорлик компаниясининг Фаргона вилояти филиали кейинги пайтда фермерларнинг энг яқин ҳамкори ва кўмакчиси айланди. У фермерларнинг турли русумдаги 353 та техника воситаларини сотиб олишларида кўмаклашди.

Набижон СОБИРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

«ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ» Давлат-акциядорлик темир йўл компанияси

кийим, махсус пойабзал ҳамда шахсий химоя воситаларини етказиб бериш бўйича саралаш ТАНЛОВИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Талабномалар танлов ўтказиш оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган кундан бошлаб 2 ҳафта ичида қабул қилинади.

Тадбирда қатнашиш истагини билдирувчилар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари шарт:

- рўйхатга олинганлиги тўғрисидаги гувоҳнома;
- таклиф этилаётган маҳсулотнинг мувофиқлик сертификати;
- корхона директорининг паспорт нусхаси;
- давлат солиқ инспекциясидан корхонанинг қарзлари тўғрисидаги маълумотнома;
- маҳсулот нархи калькуляцияси;
- корхона низоми ёки нусхаси.

МАЪЛУМОТЛАР УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР 237-91-66, 237-94-79.

МУРОЖААТ ЭТИШ УЧУН МАНЗИЛ:

ТОШКЕНТ ШАҲРИ, Т. ШЕВЧЕНКО КЎЧАСИ, 7-УЙ, «ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ» ДАВЛАТ-АКЦИЯДОРЛИК ТЕМИР ЙЎЛ КОМПАНИЯСИ «ТЕМИРЙЎЛЭНИЛФИТАЪМИН» БОШҚАРМАСИ, 416-ХОНА.



Қиш дастурхони файзли

Мирзачўл туманидаги «Ўзбекистон бахмали» фермер хўжалиги раҳбари О. Болиев «Микрокредитбанк»дан 30 миллион сўм кредит олиб, иссиқхона қурган эди. У иссиқхонадаги 54 сотих майдондан 20 тоннага яқин помидор ва бодринг ҳосили йиғиб олди. Тадбиркор фермер бу билан авжи қиш кунларида мирзачўлликлар дастурхонини сархил ёз нёъматлари билан таъминлашга муносиб ҳисса қўшмоқда.

ТАШКИЛОТ ВА КОРХОНАЛАР ДИҚҚАТИГА!

«O'ZBEKENERGO» DAK «YANGI-ANGREN IES» OAJ

меҳнат сарфи (трудозатрати) бўйича 300 МВт қувватга эга бўлган 7-сонли энергоблокда ўрта таъмирлаш ишларини бажариш учун ТАНЛОВ САВДОЛАРИ (ТЕНДЕР) ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Буюртмачи — «YANGI-ANGREN IES» OAJ. Манзил: Тошкент вилояти, Нуробод кўрғони. Таъмирлаш ишлари буюртмачи маблаглари ҳисобидан амалга оширилади.

Таъмирланадиган энергоагрегатлар рўйхати:

- П-64-3 қозони;
- К-300-240 турбинаси;
- TBV-320-2У3 генератори;
- қозонхона ва турбина бўлимларининг электр двигателлари;
- назорат ўлчов асбоблари ва автоматикаси (КИПиА) ва электр қисми ишлари;
- обмуровка ва иссиқлик изоляцияси ишлари;
- вибросозлаш ишлари;
- қозонларни тозалаш ишлари.

Таъмирлаш ишларини бажариш муддати — 37 кун.

Корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос кишилари керак:

- «Санатоктехназорат» давлат инспекцияси томонидан мазкур ишларни бажариш ҳуқуқини берувчи лицензия эга бўлиш;
- ишлар (хизматларни) бажариш учун ишлаб чиқариш базаси, меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги;
- шартнома тузиш юзасидан ваколатга эга бўлиш;
- танловга қўйилган объектга ўхшаш иншоотларда ишлаганлик тажриба ва кўникмаларга эга бўлиш;
- ўз кучлари билан аввал бажарган ишларнинг ҳажми тўғрисида маълумот.

Тендер ҳужжатларини қабул қилиш муддати — 2009 йил 19 февралгача. Таклифларни тайёрлаш бўйича керак бўладиган барча ҳужжатларни қуйидаги манзилдан олиш мумкин: Тошкент вилояти, Нуробод кўрғони, «Yangi-Angren IES» OAJ. Телефон: 236-65-25, ички телефонлар: 2-29, 3-29, 3-68, 3-59. Факс: 236-60-34.

Республика Кўчмас Мулк Биржаси — 15 ёшда!

«РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ» ЁАЖ

бошлангич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига такоран «Yangiy'ol don mahsulotlari» OAJ тугатиш бошқарувчиси томонидан Тошкент вилояти хўжалик судининг 2006 йил 12 декабрдаги 11-0622/11463-сонли қарорига асосан банкрот деб эътироф этилган ҳамда кредиторлар қўмитасининг 2009 йил 12 январьдаги қарорига асосан жамиятнинг Тошкент вилояти, Янгийўл шаҳри, Чарикова кўчаси, 18-уйда жойлашган мол-мулкларни мажмуаси қўйиладиган. Бошлайгич баҳоси — 2 000 000 000 сўм.

Аукцион савдоси 2009 йил 2 февраль кuni соат 11.00 да бўлиб ўтади. Ушбу мол-мулклар мажмуаси 2 февраль кuni сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдолари 2009 йил 5 ва 9 февраль кунлари соат 11.00 да ўтказилади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш истагидаги талабдорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдоси ўтказилишидан бир соат олдин тўхтатилади. Мазкур савдоларда қатнашиш истагидаги талабдорлар савдо ташкилотчиси билан тузилладиган закатал келишувига асосан объект бошлангич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закатал пулини савдо ташкилотчиси — РКМБнинг АТИБ «Ипотекабанки» Собир Раҳимов филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 2021000500571452105, МФО 00901, ИИН 200933850.

Манзил: Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов тумани, М. Урзобов кўчаси, 1-«А» уй. Телефон: 228-79-52. www.rkmb.uz

Лицензия: DB 001 № 000004. Савдоларга марҳамат!

Завод ТЕМЗ изготапливает и реализует:

КРАН БАШЕННЫЙ КБ-403А

предназначен для строительно-монтажных работ при возведении жилых и гражданских сборных сооружений и строительства многоэтажных зданий

Теперь и в ЛИЗИНГ

максимальная грузоподъемность 8 т
максимальная длина стрелы — 30 м (с кареткой)
максимальная высота подъема гор. — 41,5 м, наклонно — 57,5 м

АВТОКРАНЫ:

для производства монтажных и погрузочно-разгрузочных работ с обычными грузами на рассредоточенных объектах

КС-3577 НА БАЗЕ ШАССИ МАЗ
максимальная грузоподъемность — 14 т
максимальная высота подъема — 14,5 м

КС-4574-1 НА БАЗЕ ШАССИ КАМАЗ
максимальная грузоподъемность — 16 т
максимальная высота подъема — 22 м

КС-55724 НА БАЗЕ ШАССИ КАМАЗ
максимальная грузоподъемность — 25 т
максимальная высота подъема — 29 м (с гуськом)

ВОЗМОЖЕН МОНТАЖ НА ШАССИ ЗАКАЗЧИКА

Тел.: 269-15-33, 262-63-45, 187-52-05, ф. 262-39-66.
E-mail: toemz@sarkor.uz www.temz-kran.uz

«ХАЛҚ СЎЗИ»га

ЭЪЛОНЛАР
КАБУЛ ҚИЛИНАДИ

9.00 дан 18.00 гача

233-10-60
236-09-25
232-10-63

242-хона

E-mail: Xalq_suzi@rambler.ru

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги «Ўзбектеатр» ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими

ЙУДОВОШ НОСИРОВНИНГ

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

«Ўзбектеатр» ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси, Ўзбекистон театр ижодкорлари уюшмаси уюшма аъзоси, режиссёр Рустам Обидова онаси

МУХТАБАР АЙНОВ

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент педиатрия тиббиёт институти жамоаси бошлар юкуми касаликлар кафедрасининг доценти Тоир Усмонович Умаровга палари бурувчиси

УСМОН ОТАЙЕВ

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

